

**“Аскар мактублари” номли китоб-альбомни
чоп этиш хизматларини хариди учун**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА
ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: “Ўзбекистон нашриёти” давлат унитар корхонаси

Тошкент – 2022

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Энг яхши таклифларни танлаш моҳияти	“Аскар мактублари” китоб-альбомини чоп этиш
Лот бўлиниши	Лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	3-чорак, 2022 йил
Савдолар ўтказиладиган ой	Сентябрь, 2022 йил
Молиялаштириш манбаи	Бюджет эмас
Бошланғич нархи	287 500 000,00 (Икки юз саксон етти миллион беш юз минг) сўм (ҚҚС билан)
Тўлов шартлари	Бажарилиши кутилаётган ишлар учун олдиндан 15% . тўлов, ишлар бажарилгандан сўнг қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзолангандан сўнг, қолган 85% тўланади
Тўлов валютаси	UZS
Товар етказиб бериладиган жой ва шартлар	Буюртмачининг худудига. (Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй)
Товар етказиб бериш муддати	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 15 иш кунидан ошмаслиги лозим
Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин.
Махсус шартлар	1. Танлов иштирокчиси ўз меҳнат фаолиятида мазкур йўналишдаги китоб ва китоб-альбомларни чоп этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Улардан намуналар тақдим этиши керак. 2. Танлов иштирокчиси ўз хом ашёси ва ишлаб чиқариш дастгоҳларига эга бўлиши лозим.
Таклифни расмийлаштириш шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан
Таклифлар бериш муддати	5 иш кунни
Оферталарни очиш санаси ва вақти	
Боғланиш учун масъул ходим телефони	Маҳкамова Зилола +998 71 244 34 38

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“O‘zbekiston nashriyoti”

давлат унитар корхонаси
директори в.б.

У. Хайитов

«09» 09 2023 й.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

“АСКАР МАКТУБЛАРИ” НОМЛИ КИТОБ-АЛЬБОМНИ ЧОП ЭТИШ МАҚСАДИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ (ТАНЛОВ) БЎЙИЧА ХАРИЖ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Танлов предмети ва тахлилий қиймати

1.1. Мазкур ҳужжат “Аскар мактублари” номли китоб-альбомни (кейинги ўринларда – китоб-альбом) чоп этиш учун (ўзбек ва рус тилларида) Энг яхши таклифларни танлаш орқали танлов ўтказиш (кейинги ўринларда танлов деб юритилади), жумладан, танлов таклифларини бериш, уни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва баҳолаш, танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида ўтказилади.

1.3. Китоб-альбомни чоп этиш бўйича хизматларни бажариш учун тақдим этиладиган максимал нарх ҚҚС билан жами: 287 500 000,00 (Икки юз саксон етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

Мазкур қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома расмийлаштирилиб, ўн беш фоиз микдордаги тўлов амалга оширилгандан кейин ўн беш иш кунидан ошмаслиги шарт.

1.5. Ишларни бошлаш муддати ўн беш фоиз микдордаги тўлов амалга оширилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

2.1. Танловда иштирок этиш учун иштирокчи танлов шартлари билан танишиш учун махсус электрон порталга (бундан буён – МАП) жойлаштирилган танлов ҳужжатларини юклаб олади ва ушбу танлов шартларига асосан ўз тижорат таклифларини порталга жойлаштиради.

2.2. Танлов иштирокчилари (мулкчилик шаклидан катъий назар, танлов талабларида кўрсатилган ишларни бажариш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар)нинг таклифлари рақамланган, талабгор ваколатли шахсининг муҳри ва имзоси қўйилган ҳолда ҳужжатлар электрон тарзида МАП орқали тақдим этилади. Унда техникавий, молиявий, моддий ҳамда бошқа зарур ресурсларнинг мавжудлигига оид техник ва тижорат таклифлари инобатга олинади.

2.3. Танлов талабгори битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

2.4. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

2.5. Танлов талабгори тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чакириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

2.6. Танловга таклифларни қабул қилиш эълонда кўрсатилган вақтда тугатилади.

3. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

3.1. Танлов иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар.

3.2. Танловда иштирок этиш учун Харид комиссиясига ариза.

3.3. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этилганлигини тасдиқловчи қафолат хати.

3.4. Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси ҳақида маълумот.

3.5. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати.

3.6. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

3.7. Таклифнинг техник қисми.

3.8. Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали.

3.9. Намуна (муляж)ни қабул қилиш далолатномаси.

4. Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб таомиллари юзасидан тушунтиришлар.

4.1. МАПда эълон қилинган танлов иштирокчилари etender.uzex.uz сайтига юкланган эълонда белгиланган тартибда ўз таклифларини электрон тарзда тақдим этадилар.

4.2. Танлов таклифини тақдим этиш иштирокчининг танловнинг барча шартларига розилигини ва танлов ҳужжатлари бўйича ҳеч қандай келишмовчилик ва даъволарга эга эмаслигини тасдиқлайди.

4.3. Иштирокчиларнинг таклифлари мазкур танлов ҳужжатларининг etender.uzex.uz сайтида кўрсатилган муддатдан олдин қабул қилинади.

Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва танлов юзасидан тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилишга ҳақли ва тушунтириш бериш тўғрисида сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклиф бериш муддати тугайдиган санадан қамада бир кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга сўров шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиш тугайдиган сана таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир кун олдинги кун ҳисобланади.

5. Иштирокчини танловда иштирок этишдан четлатиш шартлари.

5.1. Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини танловда иштирок этишдан четлатади, агар:

- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- иштирокчи томонидан топширилган ҳужжатлар буюртмачи томонидан берилган ҳужжатларга мос келмаса;

– унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

– иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ ходими ёки ходимига харид комиссиясига таъсир қилиш мақсадида, ҳар қандай шаклда мукофот, иш таклифи ёки бошқа қимматбаҳо нарса ёки хизматни таклиф қилса, берса ёки беришга рози бўлса.

– давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатлари, қарорлари ва танлов ўтказиш тартибига таъсир ўтказишга ҳаракат қилса;

– ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

– иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малалка, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

– иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

6. Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот ва танлов предмети

6.1. Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “O‘zbekiston nashriyoti” давлат унитар корхонаси.

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй.

Танлов ҳужжатлари ва танловга оид саволлар учун масъул:

Маҳкамова Зилола, 998 71 244-34-38 (9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача)

6.2. Танлов Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзилида эълон муддати тугаган кундан бошлаб бир иш кунидан кейинги кун (шанба ва якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) ўтказилади. Танлов харид комиссияси аъзолари томонидан масофавий электрон тарзида балл бериш билан баҳоланади.

6.3. Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида бўлиши шарт.

Т/р	Китоб номи	Адади (дона)	Бичими	Мукова	Форзац	Матн	Бир донасининг нархи (ҚҚС билан)	Жами сумма (ҚҚС билан)
1.	Аскар мактублари	500	70x100 1/8	Муковалаш тури: каттик 7Б, мукова ламинация килиниб, сифатли картонга ўралади ҳамда саҳифалар ип билан тикилиб, ўзаро бирлаштирилади. Тайёр блок клей ёрдамида муковага сифатли ёпиштирилади. Мукова ранги: 4+0 (СМУК). Мукова қоғоз тури: 130-170 гр.лик силликланган қоғозда чоп этилади.	Форзац ранги: 4+0 (СМУК)	Матн 384 саҳифадан иборат. Матн ранги 4+4 (СМУК). Матн қоғоз тури: 130 гр.лик силликланган қоғозда чоп этилади.	575 000	287 500 000

8. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари

8.1 Ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда нақд пулсиз (пул ўтказиш йўли билан) ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади, шунингдек, тўлов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 5 (беш) иш кунинда 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган 85 фоиз пул маблағлари иш якунлангандан сўнг 60 (олтмиш) банк иш кунинда ҳисоб варағи тақдим этилганидан сўнг тўлик ўтказиб берилади.

8.2 Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

8.3 Иштирокчи танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

9. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари

9.1. Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан ишлаб чиқилган.

9.2. Баҳолаш мезони Буюртмачи томонидан Танловга қўйилган хизматни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

9.3. Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вақтида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб тамойилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

9.4. Харид комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.

9.5. Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг 1-иловасида кўрсатилган.

Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Харид комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, Харид комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

9.6. Харид комиссияси танлов таклифларини тақдим этиш муддатини танлов иштирокчисининг асосланган таклифи асосида узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Танловни узайтириш муддати 15 кундан ошмаслиги керак. Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат харид комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.

9.7. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш, агар танлов иштирокчиларидан қамада иккита таклиф тушган бўлса, амалга оширилади.

9.8. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.

9.9. Танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби харид комиссияси аъзолари томонидан электрон шаклда амалга оширилади. Шу билан бирга, танлов иштирокчисининг исми-шарифи, малака ҳужжатларининг мазмуни, танлов таклифининг нархи ва ишни бажариш муддатлари эътиборга олинади.

9.10. Таклифни тўғри ўрганиш, уни баҳолаш ва бошқа таклифлар билан таққослаш учун харид комиссияси ва ёки баҳолаш гуруҳи иштирокчилар билан боғланиши мумкин.

9.11. Харид комиссияси танлов таклифларини асосли баҳолайди ва белгилайди шунингдек танлов ғолиби ёки бошқача қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

9.12. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш билан боғлиқ барча маълумотлар махфийдир ва ошкор этилиши шарт эмас.

9.13. Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси иштирокчилардан уларнинг таклифлари бўйича тушунтиришларни сўраши мумкин. Ушбу процедура расмий ёзма равишда белгиланган тартибда ишчи орган орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятини, шунингдек нарҳини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

9.14. Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб ҳисобланади.

9.15. Агар арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлса, Харид комиссияси ушбу иштирокчи ҳужжатларини рад этишга ҳақли ёки бу ҳақда тендер иштирокчисини хабардор қилган ҳолда уларни кейинги кўриб чиқиш шартларини белгилашга ҳақли.

9.16. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

9.17. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

9.18. Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Танлов таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9.19. Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

9.20. Харид комиссияси йиғма жилд ҳужжатларини очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчиларининг малакасини баҳолашни амалга оширади.

9.21. Харид комиссияси ички конверти (2 йиғма жилд ҳужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказиши, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

9.22. Харид комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа катнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

9.23. Харид комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

9.24. Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

9.25. Харид комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиш мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига Харид комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консултатлар (Харид комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин.

10. Бошқа шартлар

10.1. Харид комиссияси танлов иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.

10.2 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳукукига эга.

10.3 Танлов иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг 2-иловасида келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

10.4 Танлов қуйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч қим қатнашмаган бўлса;
- агар тақлифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча тақлифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.

Бош ҳисобчи




М. Қодиров

Мухаррирлар бўлими бошлиғи



С. Ходжаахмедов

Кичик муҳаррир



З. Махкамова

ТАКЛИФ ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙҲАТИ

1. Танлов иштирокчиси ва унинг таъсисчилари хақида умумий маълумотлар (1-шакл).
2. Танловда иштирок этиш учун Харид комиссиясига ариза (2-шакл).
3. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати (3-шакл).
4. Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси хақида маълумот (4-шакл).
5. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (5-шакл).
6. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (6-шакл).
7. Таклифнинг техник қисми (7-шакл).
8. Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали (8-шакл).
9. Намуна (муляж)ни қабул қилиш далолатномаси (9-шакл).

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

_____ тўғрисида умумий маълумот

№	Кўрсаткичлар	Маълумот
1	Корхонанинг тўлик юридик номи ва мулкчилик шакли:	
2	Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами:	
3	Хизмат кўрсатувчи банк:	
4	Корхонанинг раҳбари:	
5	Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами:	
6	Эл. почта: Телеграм рақами:	
7	Низом жамғармаси:	
8	Таъсисчилар%:	
9	Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР:	
10	Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудуди манзили:	
11	Ишлаб чиқариш майдони (кадастрдаги паспортлари асосида):	
12	Умумий ер майдони:	
13	Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги тўғрисида (қв.м)	
14	*Фаолият тури (асосий ва қўшимча):	
15	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи (охирги 5 йиллик рўйхат асосида):	
16	Ишчилар сони (уларга тўланган жами иш хақи, барча ушланма ва ўтказмалар билан):	
17	Ўртача иш хақи:	
18	2020 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони (январь-декабрь)	
19	2020 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажми сўм	
20	2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулоти сони (январь-декабрь)	
21	2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сўмдаги нархи (январь-декабрь)	
22	2022 йил ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сони (январь-декабрь)	
23	2022 йил ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сўмдаги нархи (январь-декабрь)	
24	Ўрнатилган дастгоҳлар (номи, сони ва ишлаб чиқарилган йили рўйхат асосида)	
25	Зарур булган асосий хом-ашёси (ўртача йиллик ҳажми, номи билан):	
26	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати, ундан фойдаланиш даражаси % (Маҳсулот чиқариш ва уни реализация қилиш сум):	

_____ (ваколатли шахснинг имзоси)

_____ (ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.ва лавозими)

М.Ў.

Сана: « _____ » _____ 2022 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

АРИЗА

_____-сонли _____ (танлов предмети номи) етказиб бериш бўйича танлов ҳужжатларини, сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чикиб, биз, қуйида имзо чекувчи _____ (танлов иштирокчиси номи), танлов ҳужжатларига мувофиқ электрон танловда иштирок этиш ниятини билдирамыз.

Шу муносабат билан, қуйидаги ҳужжатларни юбормоқдамиз:

1. Электрон танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;
2. _____ варақда малака ҳужжатлари тўплами (варақлар сони кўрсатилсин, брошюралар, буклетлар, компакт-дисклар ва бошқалар такдим этилганда, уларнинг микдори кўрсатилсин);
3. Техник таклиф ҳужжатлари (танлов ҳужжатларида кайд этилган) ва намуналар тўғрисидаги қабул қилиш далолатномаси;
4. Нарх таклифи;
5. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар такдим этилган тақдирда, номи ва варақларнинг сони кўрсатилсин).

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ Ф.И.Ш.:

Боғланиш учун телефон/факс: _____

Электрон почта манзили: _____

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

МЎ.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____ корхонаси:
(корхона номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошқор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки худудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- 6) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

Мў.

**Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни
амалга ошириш тажрибаси хақида маълумот**

Т/р	Етказиб бериш предмети номи	Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

Қўшимча маълумотлар: бажариладиган ишлар ҳажми, мижозлар фикри, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар.

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)

М.Ў.

Сана: 20__ й. “__” _____

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Танлов иштирокчисининг номи: _____

(валютани кўрсатинг)

АКТИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
I. Узоқ муддатли активлар				I. Ўз маблағлари манбалари			
Асосий воситалар (қолдик киймати)				Устав капитали			
Номоддий активлар (қолдик киймати)				Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)			
				Мақсадли тушумлар			
Қимматли қоғозлар				II. Мажбуриятлар			
Капитал қўйилмалар				Узоқ муддатли мажбуриятлар, қарзлар			
Инвестициялар				Кредитор қарздорлик:			
II. Жорий активлар				шу жумладан, муддати ўтгани			
Ишлаб чиқариш захиралари				шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				шу жумладан, иш хақи бўйича қарздорлик			
Тайёр маҳсулот							
Дебитор қарздорлик							
Пул маблағлари							
Бошқа жорий активлар							
Баланс активи бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)				Баланс пассиви бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(валютани кўрсатинг)

Кўрсаткичлар номи	2019й.	2020й.	2021й.
1. Сотишдан соф тушум			
2. Сотилган маҳсулотларнинг таннари			
4. Маъмурий харажатлар			
5. Бошқа харажатлар			
6. Бошқа даромадлар			
7. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)			
8. Фойда солиғи			
9. Фойда (зарар)			

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

МЎ.

Сана: 20__ й. “__” _____

(*) Молиявий ҳолати бошқа мезонлар билан белгиланадиган корхоналар унинг молиявий ҳолатини белгилайдиган бошқа шаклни тақдим этишлари мумкин.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

**Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА**

Ушбу хат билан _____ :
(корхона номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;
- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;

- ракобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилиланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айти битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиқ бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлов бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

МЎ.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

_____ (танлов рақами ва предмети кўрсатинг)
танлов савдолари бўйича

ТЕХНИК ТАКЛИФ

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ ни (танлов предмети номи) етказиб бериш бўйича _____-сонли танлов савдолари хужжатларини ва сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чикиб, биз, қуйида имзо чекувчи _____ (танлов иштирокчиси номи), _____ (ишлаб чиқарувчи/хизмат кўрсатувчини кўрсатинг) томонидан кўрсатилган _____ хизматини (таклиф этилаётган маҳсулот номи, бренд ёки моделини кўрсатинг) _____ микдорда етказиб беришни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз танлов таклифларини бериш муддатининг охири санаси сифатида белгиланган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу таклиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- _____ варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;
- товар ишлаб чиқарувчиси ишончномаси ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (агар танлов иштирокчиси таклиф қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмаса);
- техник хужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варағи, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф қилинадиган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар).

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20__ й. «__» _____

Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали

Т/р	Параметр номи	Техник топширик талабларидаги кўрсаткич	Иштирокчининг таклифидаги кўрсаткич	Изох (талабларга жавоб беради / талабларга жавоб бермайди)
	<i>Танлов _____ (етказиб бериладиган товар номи)</i>			
1				

Иштирокчи раҳбарининг ёки ваколатли шахснинг имзоси ва Ф.И.Ш.

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

_____ (танлов рақами ва предметини кўрсатинг)
танлов савдолари бўйича

ТЕХНИК ТАКЛИФ

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ ни (танлов предмети номи) етказиб бериш бўйича _____-сонли танлов савдолари ҳужжатларини ва сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чикиб, биз, қуйида имзо чекувчи _____ (танлов иштирокчиси номи), _____ (ишлаб чиқарувчи/хизмат кўрсатувчини кўрсатинг) томонидан кўрсатилган _____ хизматини (таклиф этилаётган маҳсулот номини, бренд ёки моделини кўрсатинг) _____ миқдорда етказиб беришни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз танлов таклифларини бериш муддатининг охири санаси сифатида белгиланган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу таклиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- _____ варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;
- товар ишлаб чиқарувчиси ишончномаси ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (агар танлов иштирокчиси таклиф қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмаса);
- техник ҳужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варағи, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф қилинадиган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20__ й. «__» _____

ШАРТНОМА № _____

Тошкент шаҳри

2022 йил « ____ » _____

Кейинги ўринларда _____ номидан _____ асосида иш юритувчи _____ бир томондан (бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг «O'zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси номидан низом асосида иш юритувчи Директор У.Хайитов, иккинчи томондан (бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Бажарувчи» ушбу Шартнома шартларига мувофиқ «Аскар мактублари» номи китоб-альбомни чоп этиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Бажарувчи»га бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ушбу шартноманинг баҳоси _____ сўм, ҚҚСсиз ташкил этади.

3.1. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 15 фоизи _____ (_____) сўм миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин ўн беш иш куни ичида амалга оширилади.

3.2. Ишлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Шартномани бажариш ишлари 60 иш кунини ташкил этади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама

ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилмаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган ишлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган ишлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.4. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон-бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас қуч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида қўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.4. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши қаби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан такқослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай қароқчилик билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоқлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асосланганлиги лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни қарор қиладилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлик махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини қарор қиладилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга амалга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАЖАРУВЧИ

БУЮРТМАЧИ

“O‘zbekiston nashriyoti”

давлат унитар корхонаси